
Юзия маҳалласида электр таъминоти яхшиланди.

Қува тумани ҳоқими, 1-сектор раҳбари Халимжон Умаров томонидан ҳудудларда ўтказилаётган сайёр қабуллар давомида келиб тушаётган мурожаатлар тегишли масъулларни жалб этган ҳолда ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда ва аҳолини қийнаб келаётган муаммолар бартараф этилмоқда.

Жумладан сектор ҳудудидаги Юзия маҳалла фуқаролар йиғинидаги 83-сонли трансформаторнинг носозлиги сабаб электр таъминотида узилишлар юзага келаётган эди. Бу эса ўз навбатида ҳудуд аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Туман электр тармоқлари корхонаси мутахассисларини жалб этган ҳолда мавжуд трансформатор таъмирланиб қувватини ошириш мақсадида қўшимча 100 КВА қувватга эга қўшимча трансформатор ўрнатилди.

Бунинг натижасида ҳудуддаги 100 га яқин аҳолининг электр таъминоти яхшиланди.

2023-05-26 11:44:55